

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КРИМИНОЛОГИЯ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.31/31.10.2024Үн.186.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ИСАЕВ САРДОР АЛИШЕРОВИЧ**

**ПИРОТЕХНИКА БУЮМЛАРИНИНГ ҚОНУНГА ХИЛОФ  
МУОМАЛАСИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ  
КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ  
(Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари  
ва Миллий гвардияси фаолияти асосида)**

**12.00.15 – Криминология**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)**

**Исаев Сардор Алишерович**

Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини олдини олишнинг криминологик жиҳатлари (Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Миллий гвардияси фаолияти асосида) .....3

**Исаев Сардор Алишерович**

Криминологические аспекты предупреждения незаконного оборота пиротехнических изделий (на основе деятельности органов внутренних дел и Национальной гвардии Республики Узбекистан)..... 23

**Isayev Sardor Alisherovich**

Criminological aspects of preventing illegal traffic of pirotechnical products (based on the activities of the internal affairs bodies and the National Guard of the Republic of Uzbekistan)..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КРИМИНОЛОГИЯ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.31/31.10.2024Үн.186.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ИСАЕВ САРДОР АЛИШЕРОВИЧ**

**ПИРОТЕХНИКА БУЮМЛАРИНИНГ ҚОНУНГА ХИЛОФ  
МУОМАЛАСИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ  
КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ  
(Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари  
ва Миллий гвардияси фаолияти асосида)**

**12.00.15 – Криминология**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.2.PhD/Yu155 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати 3 тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти веб-сайтида (<https://kti.iiv.uz/>) ҳамда “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Гордеев Сергей Николаевич</b> юридик фанлар доктори, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Абдурасулова Қумриниса Раимқулловна</b> юридик фанлар доктори, профессор <b>Югай Людмила Юревна</b> юридик фанлар доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти ҳузуридаги юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.31/31.10.2024Yu.186.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 13 сентябрь куни соат 10:00даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100187, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 243-уй. Тел. +99871 231-35-97; e-mail: [info@uzkti.uz](mailto:info@uzkti.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2-сон рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100187, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 243-уй. +99871 231-35-97).

Диссертация автореферати 2025 йил “\_\_\_” август куни тарқатилди.

(2025 йил \_\_\_-\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.Б.Муродов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раси, юридик фанлар доктори (DSc),  
профессор

**Б.А. Яров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, филология фанлар номзоди

**Б.А. Саидов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, юридик  
фанлар доктори (DSc), профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги йилларда пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жароҳатлар сонининг ортиш тенденцияси кузатилмоқда. Байрам тадбирларининг ажралмас қисмига айланган ушбу воситалар аслида инсон саломатлиги ва ҳаёти учун жиддий хавф туғдиради. АҚШнинг Истеъмол товарлари хавфсизлиги бўйича давлат комиссияси (CPSC) маълумотларига кўра, сўнгги 15 йил ичида пиротехника билан боғлиқ жароҳатлар ва ўлим ҳолатлари 25% га ошган. Еврокомиссия маълумотларига кўра эса, сўнгги 5 йил ичида Европа давлатларида пиротехника билан боғлиқ 6 566 та бахтсиз ҳодиса қайд этилган, тиббий ёрдам кўрсатиш харажатлари камида 23 миллион еврони<sup>1</sup> ташкил этган. Айниқса, болалар орасида жароҳатланиш даражаси ташвишли бўлиб, жароҳатланганларнинг 29% ни 15 ёшгача бўлган болалар ташкил этади, энг кўп шошилишчи тиббий ёрдамга мурожаат қилганлар эса 20–24 ёшдаги ёшлардир. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2024 йилда 2023 йилга нисбатан ўлим ҳолатлари 38 фоизга, жароҳатлар сони эса 52 фоизга ошган, бу эса муаммонинг долзарблиги ва жиддийлигини тасдиқлайди<sup>2</sup>. Шу муносабат билан, ушбу соҳада ташкилий, ҳуқуқий ва криминалогик асосларни такомиллаштириш ва ривожлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон миқёсида пиротехника буюмлари қонунга хилоф муомаласининг олдини олиш, жумладан, давлат сиёсатининг самарали чораларини ишлаб чиқиш, хавфсиз муқобилларини яратиш, назорат тизимларини рақамлаштириш ва контрабанда каналларини аниқлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур. Бу борада, айниқса, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, ёшлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, уларнинг хулқ-атвори ўрганиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш, шунингдек, турли мамлакатларнинг ушбу соҳадаги қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиш бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилиши муҳим аҳамият касб этади.

2022–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш Стратегиясида устувор йўналишлардан бири сифатида хавфсизликка таҳдид солувчи омилларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга қарши чора кўриш белгиланган. Мазкур Стратегия доирасида республикада ички ишлар органлари ҳамда Миллий гвардия томонидан ушбу йўналишда мунтазам рейдлар, мониторинг ва профилактик тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Статистик маълумотларга кўра, 2022 йилда пиротехника буюмларининг ыонунга хилоф муомаласи бўйича 1 997 киши жавобгарликка тортилган, 2023 йилда бу кўрсаткич 32,8% га камайиб, 1 342 та ҳолатни ташкил этди. Бироқ, 2024 йилда кескин ўсиш кузатилиб, 2 891 та ҳолат<sup>3</sup> қайд этилган — бу 2023 йилга нисбатан 2,1 баравардан кўп, 2022 йилга нисбатан эса 44,8% га кўпайган. 2022–2024 йиллардаги динамика ҳолатнинг

<sup>1</sup> Study on illegal sales of pyrotechnic articles destined for professional users (category F4) to the general public Final Report. // ISBN 978-92-76-02686-0. doi: 10.2873/352706. © European Union, 2019.

<sup>2</sup> <https://energyprom.kz/ru/articles/opasnye-fejerverki-i-prochaya-pirotehnika-obshemirovaya-problema>.

<sup>3</sup> Пиротехниканинг хавфли турларини тақиқлаш ва лазерлар учун жавобгарликни қонунда мустаҳкамлаш режалаштирилмоқда. URL: <https://www.gazeta.uz/ru/2025/07/15>. 15 июля 2025, 13:46.

оғирлашаётганини ва пиротехника воситалари айланмаси соҳасида назоратни кучайтириш, тартибга солиш ҳамда профилактика ишларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Бу эса пиротехника буюмлари қонунга хилоф муомаласининг олдини олишга қаратилган ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ва қонунчилигини ҳамда криминологик ёндашувлар ва ечимларни жорий этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида” 2010 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ-263-сон, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ-371-сон, “Ички ишлар органлари тўғрисида” 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон ва “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида” 2020 йил 18 ноябрдаги ЎРҚ-647-сон қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон, “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармонлари, “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 10 декабрдаги 309-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника воситалари айланишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2010 йил 25 октябрдаги 234-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника буюмлари муомаласини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, мамлакатда пиротехник буюмлари қонунга хилоф муомаласининг олдини олиш фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот “Ў. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини олдини олишнинг жиноий-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари мамлакатимиз олимлари томонидан муайян даражада ўрганилган, хусусан К.Р.Абдурасулова, З.С.Зарипов, М.Х.Рустамбаев, Р.Қабулов, И.Исмаилов, А.К.Расулев, А.С.Якубов, С.Н.Гордеев, М.М.Каландаров, О.М.Махкамов, А.А.Отажонов, Д.Г.Камалова, И.Хамедов бу борада тадқиқотлар олиб боришган.

Мазкур мавзунинг баъзи жиҳатлари хорижий мамлакатлар олимлари – А.С. Аветисов, И.И. Бикеев, А.А. Бирюлин, И.А. Вотченко, А.А. Гаджиметов, Е.П. Гречко, С.А. Григорянц, Д.А. Давидов, А.С. Дудирев, Д.Б. Демяненко, А.А. Задоян, В.П. Комиссаров, Б.С. Комиссарова, А.Ф. Кравчук, В.В. Мартинов, В.И. Медведев, А.Б. Наумова, Н.И. Нестеров, Л.П. Орленко, А.А. Прозоров, А.И. Рарога, А.П. Родионов, А.Ю. Семенов, П.П. Смоляков, А.Д. Стецкевич,

А.В. Туров, И.М. Тяжкова, А.А. Шидловский, М.А. Юдина, Б.В. Яцеленко ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Дунёда пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини олдини олишнинг айрим жиҳатлари L.R. Berger, C.C. Bitter, G. Braun, J.P. Caulkins, J.A. Conkling, S. Dempsy, K. Ferguson, M. Finnegan, A. Gradišek, J. Kelli, K. Lannan, C. Lehna, A. McMillan, J. Myers, L. Pirker, K.V. Reimer, M. Rossol, G. Rosalsky, T.M. Rudisill, R.P.L. Wisse, L. Xagler ва бошқа олимлар<sup>1</sup> томонидан тадқиқ этилган.

Янги Ўзбекистонда “Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларининг қонунга хилоф муомаласига қарши курашишнинг жинойий-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш” мавзусида М.М.Каландаровнинг юридик фанлар доктори (DSc) диссертация иши ҳимоя қилинган. Бироқ, мамлакатимизда пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини олдини олишнинг назарий ва амалий муаммоларини ўрганиш ҳамда илмий асосланган ҳулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича махсус тадқиқотлар олиб борилмаган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг ушбу йўналишдаги илмий ўрганилганлик даражаси ҳозирги талабларга етарли даражада жавоб бермайди, бу эса тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва заруратини тасдиқлайди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришнинг 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган истиқболли дастурининг “Криминология соҳасини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари” мавзусидаги илмий тадқиқотлари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини олдини олишнинг криминологик жиҳатларини комплекс ўрганиш асосида аниқланган муаммолар ечимига қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласининг назарий асосларини ва унга қарши курашнинг ижтимоий шартлилигини илмий таҳлил қилиш;

пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноятларни ва шу фаолият билан шуғулланувчи жиноятчи шахсининг криминологик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

пиротехника буюмларини криминологик ёндашув асосида қонунга хилоф муомаласи сабаблари, шароитлари ва тенденцияларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини олдини олиш бўйича ички ишлар органлари ва Миллий гвардия фаолиятининг ҳуқуқий таъминланганлигини таҳлил қилиш;

пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини олдини олишни амалга оширувчи давлат органларининг ташкилий-функционал тизимини тадқиқ этиш;

---

<sup>1</sup> Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини олдини олиш бўйича айрим хорижий давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларининг тажрибасини ўрганиш;

пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини олдини олишда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Миллий гвардияси фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини олдини олишнинг криминологик жиҳатларини белгиловчи ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини олдини олиш соҳасидаги илмий-назарий ёндашувлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, амалиёт ва айрим хорижий давлатлар қонунчилиги, расмий статистика ҳамда юридик фандаги мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация ва Интернет жаҳон ахборот тармоқларида жойлаштирилган материаллар ташкил қилади.

**Тадқиқот усуллари.** Илмий тадқиқотни амалга оширишда анализ, синтез, дедукция, индукция, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, анкета сўрови, кузатув, эмпирик материал ва статистик маълумотлар таҳлили, тизимли таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишлардан бири сифатида пиротехника буюмларининг муомалада бўлиш соҳасини назорат қилиши лозимлиги асосланган;

ички ишлар органлари ўз ваколатлари доирасида ташкилотлар ва фуқароларда лицензия ва рухсатномаларсиз турган пиротехника буюмларини белгиланган тартибда олиб қўйиш, ташиш ҳамда сақлаш учун жойлаштиришни амалга ошириш, уларни йўқ қилиш чораларини кўриши лозимлиги асосланган;

пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда тайёрлаш, ишлаб чиқариш, фойдаланиш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш, ўтказиш ёки Ўзбекистон Республикасига олиб кирганлик учун маъмурий жавобгарликни кучайтириш зарурлиги асосланган;

хавфлиликнинг II-классига тегишли маиший пиротехника буюмларининг жисмоний ва юридик шахслар томонидан яратилиши, ишлаб чиқарилиши, республика ҳудудига олиб кирилиши, ташилиши, реализация қилиниши, сотиб олинishi, сақланиши ва фойдаланилишини тақиқлаш зарурати асосланган;

тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан тантанали маросимларни ўтказишда қўллаш учун техник ва махсус мақсаддаги пиротехника буюмларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва улардан фойдаланиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг рухсатномаси асосида белгиланиши лозимлиги асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи”, “пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда тайёрлаш”, “пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш”, “пиротехника буюмларини қонунга

хилоф равишда сақлаш”, “пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ташиш”, “пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда жўнатиш”, “пиротехника буюмларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш”, “пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда сотиш”, “пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини олдини олиш”, “ички ишлар органлари ва Миллий гвардиянинг пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини олдини олиш бўйича фаолиятини ҳуқуқий таъминоти” каби тушунчаларга муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Миллий гвардиясининг пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини олдини олиш соҳасидаги фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида ушбу турдаги жиноятлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар доираси белгиланган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари ва улар бўйича профилактик ҳаракатлар кетма-кетлиги (алгоритми) ишлаб чиқилган;

пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг хавфи ва ўсишини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ушбу ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиловчи махсус нормаларни киритиш зарурлиги исботлаб берилган;

пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини олдини олишни амалга оширувчи давлат органларининг ташкилий-функционал тизими очиб берилган;

ички ишлар органлари ва Миллий гвардиянинг пиротехника буюмлари қонунга хилоф муомаласини олдини олиш бўйича фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Мазкур тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган натижалар халқаро ва миллий қонунчилик нормалари, бир қатор ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили, шунингдек ўтказилган социологик сўровлар (165 нафар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, 110 нафар профессор-ўқитувчи, 155 нафар адвокат), статистик маълумотлар таҳлили натижаларини умумлаштириш, пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ 650 та суд ҳукми натижаларига асосланган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда келтирилган илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгусида илмий фаолиятда, “Криминология”, “Виктимология”, “Маъмурий ҳуқуқ”, “Жиноят ҳуқуқи”, “Жиноятларнинг олдини олиш” ва “Жиноятларни тергов қилиш методикаси” фанларини илмий-назарий бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти тадқиқот натижаларидан келиб чиққан таклиф, тавсия ва хулосаларни пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини олдини олиш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солувчи маъмурий, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини тўғри ва бир хилда қўллашга йўналтирилган қонун ҳужжатлари ва чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқишда, шунингдек, мазкур турдаги жиноятларнинг олдини олишни

амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Миллий гвардияси фаолиятини такомиллаштиришда қўллаш мумкинлигида намоён бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Илмий тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида пиротехника буюмларининг муомалада бўлиш соҳасини назорат қилиши лозимлигига доир таклифларидан Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 2 сентябрдаги “Қурол тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ–772-сон қонунининг 7-моддаси 1-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни 4-моддаси ўн биринчи хатбошисига киритилган ўзгартириш; Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2024 йил 29 апрелдаги 3/08-58-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши ички ишлар органларига пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини олдини олиш соҳасида махсус ваколатлар берилишига хизмат қилган;

ички ишлар органлари ўз ваколатлари доирасида ташкилотларда ҳамда фуқароларда лицензияларсиз ва рухсатномаларсиз турган пиротехника буюмларини белгиланган тартибда олиб қўйиш, ташиш ҳамда сақлаш учун жойлаштиришни амалга ошириш, уларни йўқ қилиш чораларини кўриши лозимлигига доир таклифларидан Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 2 сентябрдаги “Қурол тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ–772-сон қонунининг 7-моддаси 3-банди олтинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2024 йил 29 апрелдаги 3/08-58-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши ички ишлар органларига пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини олдини олиш соҳасида махсус ваколатлар берилишига хизмат қилган;

пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, фойдаланиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш, пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ўтказиш ёки Ўзбекистон Республикасига олиб кирганлик учун маъмурий жавобгарликни кучайтиришга доир таклифларидан Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ–949-сон қонунининг 1-моддаси 1-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 16 июндаги 3/дн-121-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши мамлакатимизда пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи олди олинишига хизмат қилади;

хавфлиликнинг II классига тегишли маиший пиротехника буюмларининг жисмоний ва юридик шахслар томонидан яратилиши, ишлаб чиқарилиши, республика ҳудудига олиб кирилиши, ташилиши, реализация қилиниши, сотиб олинishi, сақланиши ва фойдаланилишини тақиқлаш зарур деган таклифларидан Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника буюмлари муомаласи соҳасида давлат назоратини кучайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 724-сон қарорининг 2-банди иккинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 25 апрелдаги 12-15-31-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг инobatга олинishi Ўзбекистон Республикасида пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини олдини олишга, жамоат хавфсизлигини таъминлашга ҳамда аҳоли саломатлиги ва осойишталигини сақлашга хизмат қилади;

тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан тантанали маросимларни ўтказишда қўллаш учун техник ва махсус мақсаддаги пиротехника буюмларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва улардан фойдаланиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг рухсатномаси асосида белгиланиши лозимлигига доир таклифларидан Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника буюмлари муомаласи соҳасида давлат назоратини кучайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 724-сон қарорининг 2-банди учинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 25 апрелдаги 12-15-31-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг инobatга олинishi Ўзбекистон Республикасида пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини олдини олишга, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда аҳоли саломатлиги ва осойишталигини сақлашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация натижалари 2 та халқаро, 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, тадқиқотнинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган журналларда 5 та мақола (шундан халқаро журналларда 1 та) ва илмий анжуманларда 4 та тезис нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асослантирилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг ўрганилганлик даражаси ҳамда диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, илмий изланиш давомида фойдаланилган усуллар, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, амалиётга жорий этилиши, улар бўйича нашр этилган ишлар, шунингдек, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласининг назарий асослари ва унга қарши курашишнинг ижтимоий шартлилиги, пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноятлар ва жиноятчи шахсининг криминологик хусусиятлари ҳамда ушбу тардаги жиноятларнинг олдини олиш учун муҳим бўлган хусусиятлар таҳлил қилинган, шунингдек, уларнинг ҳуқуқий таҳлили баён этилган.

Диссертант илмий адабиётларни чуқур таҳлил қилган ҳолда, пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини назарий асослари, тенденциялари ва шаклланиш босқичларини очиқ берган, халқаро ахборот-таҳлил ташкилотларининг маълумотлари асосида пиротехника саноати сегментидаги янги тенденцияларни, пиротехника буюмлари истеъмол қилинадиган давлатларнинг географик жойлашувини, шунингдек “пиротехника”, “пиротехник таркиб”, “пиротехник буюмлар”, “хавфли зона”, “хавфли омил”, “қонунга хилоф муомала”, “пиротехник буюмлар муомаласи” каби тушунчаларининг моҳиятини ва уларнинг турли жиҳатларини ёритган.

Муаллиф Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида портловчи моддалар кичик гуруҳининг таркибий қисми сифатида пиротехника буюмлари учун ўрнатилган алоҳида тартибни, криминологик таҳлил нуқтаи назаридан пиротехника буюмлари турларининг таснифи ва пиротехника буюмлари қонунга хилоф муомаласининг олдини олиш босқичларини асослаб берган.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикасида пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини тартибга солувчи амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар чуқур таҳлил қилинган ҳолда, ушбу ҳужжатларда ҳуқуқий субъектларнинг принциплари, вазифалари, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳалигача тўлиқ акс этирилмаганлиги асослаб берилган.

Шу сабабли пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласига қарши тизимли курашиш ва олдини олишнинг муҳим йўналиши сифатида Пиротехника маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим

қарорларига, хусусан, 2009 йил 10 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника воситалари айланишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 309-сон, 2021 йил 1 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника буюмлари айланиши соҳасида давлат назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 724-сон қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, ушбу турдаги жиноятларга қарши курашиш учун глобал иммунитет яратиш мақсадида бир қатор криминологик-виктимологик чораларни қабул қилиш зарурлиги асослаб берилган.

Муаллиф портлатиш экспертизаси соҳасидаги етакчи мутахассислар томонидан ўтказилган таҳлил натижалари, нафақат ички ва трансчегаравий, балки умумжаҳон миқёсида пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласининг олдини олиш билан боғлиқ муаммоларни очиб берган, статистик маълумотлар асосида бундай жиноятларнинг юқори динамикаси, даражаси ва кўлами, тақиқланган пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда олиб киришнинг айланма йўллари ва уринишларини қайд этган.

Муаллиф томонидан пиротехника буюмлари ва унинг элементлари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишнинг криминологик тавсифини ёритишга алоҳида эътибор қаратилган. Диссертант суд амалиёти ва ишларининг материалларини таҳлил қилган ҳолда зарур профилактика ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби (алгоритм)ни ишлаб чиққан.

Диссертант пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ социологик сўровномаларни таҳлил қилиш ва ўрганиш асосида (50 нафар судья, 165 нафар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, 110 нафар профессор-ўқитувчи, 155 нафар адвокат орасида) статистик маълумотлар таҳлили натижаларини умумлаштириш, пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ 650 та суд материални таҳлил қилган ҳолда, ушбу турдаги жиноятлар содир этилишининг сабаб ва шароитларини, жиноят содир этиш усули, вақти ва жойини, шунингдек, гумонланувчилар ва жабрланувчиларнинг шахсий ва умумий белгиларини очишга ҳаракат қилган.

Тадқиқот жараёнида жиноятчи шахси билан боғлиқ суд амалиётини таҳлил қилиш асосида, Ўзбекистон Республикасида пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи соҳасидаги жиноятлар – “эркаклар томонидан содир этиладиган жиноятлар” тоифасига кириши аниқланган. Ушбу жиноятларнинг 84% ни эркаклар, 16% ни эса аёллар содир этиши, эркакларнинг ёш тоифаси 16 дан 60 ёшгача бўлганлиги, энг юқори жиноий фаоллик 25 дан 45 ёшгача бўлган шахсларда кузатилиши, аёлларнинг ёш тоифаси 30 дан 60 ёшгача бўлганлиги, рецидивистлар (асосан, аввал маъмурий жавобгарликка тортилганлар)нинг улуши 75% ни ташкил этиши, оилали шахсларнинг сони 84% ни ташкил қилиши, жиноятчиларнинг аксарияти ўрта маълумотли – 95% ва доимий иш жойи бўлмаганлар – 95% ни ташкил этиши, қонунга хилоф ҳаракатларни содир этган эркаклар орасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – 97% ни ташкил қилиши, ҳуқуқбузарликларнинг асосий қисми йилнинг қиш мавсумига, яъни ноябрь, декабрь, январь ва февраль ойларига тўғри келиши олиб борилган тадқиқотлар асосида аниқланган.

Шу билан бирга, йилдан-йилга вояга етмаганлар томонидан қўлбола пиротехника буюмларини ишлаб чиқаришнинг ўсиши кузатилаётганлиги ва аксарият ҳолларда вояга етмаганларнинг ота-оналарига нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47-моддаси (Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик) бўйича маъмурий баённомалар тузилиб, ишлар туман ҳокимлигининг вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиясига топширилганлиги аниқланган.

Диссертант жиноят ишлари материалларини ҳамда амалдаги қонунчилик ва жиноятларнинг содир этилиш усулларини таҳлил қилган ҳолда, пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан шуғулланувчи шахсларни бир неча асосий тоифаларга: пиротехника воситаларидан қонуний фойдаланиш қоидаларини бузувчилар; ушбу маҳсулотни ноқонуний равишда ишлаб чиқарувчилар; айниқса, Интернет орқали фаол реклама қилувчилар; рухсатсиз савдо билан шуғулланувчи сотувчилар; олдиндан тил бириктириб ҳаракат қилувчи шахслар гуруҳи; илгари судланганлар (рецидивистлар); уюшган жиноятчи гуруҳлар; ҳаракатлари одамларнинг ҳалок бўлишига ёки оғир оқибатларга олиб келган шахслар, шунингдек, мамлакатга пиротехника воситаларини ноқонуний йўл билан олиб кирувчи контрабандачилар каби тоифаларга ажратган.

Диссертант томонидан МЖТКнинг 185<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар бўйича жавобгарликни фақат пиротехника буюмларининг умумий қийматига эмас, балки уларнинг сони, калибри, массаси, диаметри каби муҳим конструктив-параметрик белгилари асосида белгилаш тизимини жорий этиш таклифи асослаб берилган (ушбу таклиф тадқиқот давомида ўтказилган ижтимоий сўровномалар асосида тасдиқланган, респондентларининг 87,3 фоизи мазкур таклифни қўллаб-қувватлаган).

Тадқиқотчи мазкур бобни тадқиқ этиш жараёнида О.Махкамов, А.Шидловский, В.Мельников, И.Тяжкова, Б.Яцеленко каби олимларнинг фикрлари билан илмий мунозарага кириб, пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик тавсифи бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларни ҳисобга олиш келгусида мазкур жиноий қилмишнинг олдини олиш механизмларини белгилашда муҳим асос бўлади, деган хулосага келади.

Диссертантнинг пиротехника буюмлари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг самарали аниқланишини таъминлаш мақсадида маъмурий баённома тузиш ваколатини фақат Миллий гвардия хизматларига эмас, балки ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизмати ва инспектор-психологларига ҳам бериш таклифи асослаб берилган.

Тадқиқотчи томонидан пиротехника буюмлари ва портловчи моддаларнинг қонунга хилоф муомаласини назорат қилиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича ихтисослашган ваколатли махсус орган тузиш ғояси илгари сурилиб, ушбу таклиф Голландиядаги “VeiligheidNL” va AQSHdagi “ATF” (The Bureau of Alcohol, Tobacco, Firearms and Explosives) каби хорижий амалиётларга таянган ҳолда асослаб берилган.

Диссертант томонидан конфискация қилинган пиротехника маҳсулотлари ҳақидаги маълумотларни тизимли қайд этиш, уларнинг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ шубҳали манбалар ва каналларни аниқлаш имконини берувчи электрон маълумотлар базасини яратиш таклифи ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини олдини олишнинг сабаблари, шароитлари ва ҳозирги ҳолати”** деб номланган бўлиб, унда пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласининг сабаблари, шарт-шароитлари ва тенденциялари, уларнинг мазмуни криминологик таҳлил нуқтаи назаридан ўрганилиб, ички ишлар ва Миллий гвардия органларининг пиротехника буюмлари қонунга хилоф муомаласининг олдини олиш бўйича фаолиятининг ҳуқуқий таъминоти, шунингдек, пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини олдини олиш билан шуғулланувчи давлат органларининг ташкилий-функционал тизими таҳлил қилинган.

Диссертант истеъмол бозорининг таҳлили, геосиёсий омил ва пиротехника буюмларини қонунга хилоф муомаласининг олдини олиш соҳасидаги мавжуд камчиликлар, ўсиш, динамика ва бошқа хусусиятлар, тарқалиш даражаси, тенденциялари, жиноятчиликнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва йўқ бўлиб кетишининг детерминантларини келтириб, улар асосида кўриб чиқилаётган жиноятларга муносиб жавоб бериш ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари (алгоритмлари)ни ишлаб чиққан.

Муаллиф Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Миллий гвардиянинг қонунчилик фаолиятига алоҳида эътибор қаратган. “Ички ишлар органлари ва Миллий гвардиянинг пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини олдини олиш бўйича фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш” тушунчасининг муаллифлик таърифини шакллантирган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини олдини олиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш учун қўлланиладиган норматив-ҳуқуқий базани таҳлил қилган.

Диссертант хорижий тадқиқотларни таҳлил қилар экан, хавотирли тенденцияни – пиротехника воситаларининг истеъмолчилари орасида ёшлар улушининг ортиши ва, айниқса, ёш эркаклар ўртасида жароҳатланиш ҳолатларининг кескин кўпайиши кузатилаётганлигини таъкидлайди. 2006–2021 йиллар давомида бир қатор мамлакатларда пиротехник воситалардан келиб чиққан жароҳатлар сони 25% га ошгани, жабрланувчиларнинг 75% асосан 24 ёшгача бўлган эркаклар, энг юқори кўрсаткич 15–19 ёшлилар орасида эканлигини ёритган. Шунингдек, АҚШда жароҳатларнинг 70% байрам кунларига тўғри келиши, уларнинг 28% оғир жароҳатларни ташкил этиши, 40–50% жабрланувчилар болалар ва ўсмирлар эканлиги, кўп учрайдиган шикастланишлар кўз, бош, бўйин ва қўллар билан боғлиқлигини таъкидлаган. Шу билан бирга, муаллиф Ўзбекистонда Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази маълумотларига кўра, пиротехник воситалардан кўпроқ жабр кўрувчилар 10–14 ёшли болалар эканлигини, пиротехникани чеклаш чоралари бундай жароҳатларнинг камайишига олиб келишини қайд этган.

Муаллиф амалдаги ҳуқуқни қўллашда тегишли органлар пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласига етарли даражада ҳуқуқий баҳо

бермаётгани, бу эса самарали курашишга тўсқинлик қилаётгани ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги 3-сонли қарорига зид эканлигини таъкидлаган. Диссертант пиротехник буюмларининг қонунга хилоф муомаласи нафақат маиший хавф-хатар, балки жиноий ва террорчилик мақсадларида қўлланилиши, ёнғинлар, яширин бозор мавжудлиги, юқори даражадаги латентлик ва ҳар йили атмосферага тахминан 60 340 тонна CO<sub>2</sub> чиқарилиши билан боғлиқ экологик зарар каби жиддий таҳдидларни келтириб чиқараётганини кўрсатади. Муаллиф бу муаммоларни бартараф этиш ёки камайтириш учун барча давлат тузилмалари ўртасида самарали ҳамкорлик ва комплекс профилактик чораларни қабул қилиш зарурлиги ҳақида хулоса беради.

Диссертант миллий қонунчиликни таҳлил қилиб, Ўзбекистонда пиротехника буюмларининг ишлаб чиқариш ва сақлашдан тортиб сотиш, фойдаланиш, утилизация қилиш ва йўқ қилишгача бўлган бутун айланмасини тизимли тартибга солувчи ягона меъёрий ҳужжат мавжуд эмас, деган хулосага келган. Бошқа мамлакатларда, масалан, Европа Иттифоқи ва Божхона Иттифоқи мамлакатларида бундай масалалар махсус ҳужжатларда батафсил акс эттирилган (масалан, Европа Иттифоқининг 2007 йилги Директиваси ва 770-сонли Техник регламенти). Бу мавжуд ҳуқуқий бўшлиқлар ва ҳуқуқий механизмларнинг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатади, бу эса пиротехниканинг ноқонуний айланишига қарши курашда ижро этувчи органлар ишини қийинлаштиради. Ўтказилган социологик сўров шуни кўрсатдики, респондентларнинг 88 % алоҳида ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ғоясини қўллаб-қувватлайди.

Шу билан бирга, муаллиф В. Дралова, Ю.А.Тихомиров, Ю.М. Козлов каби олимларнинг фикрлари билан илмий мунозарага киришиб, миллий қонунчиликни ўрганиш натижасида маъмурий ишларнинг ички ишлар органларига, хусусан, ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ва вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспектор-психологларга тааллуқлилиги юзасидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур, чунки улар томонидан ҳуқуқбузарликларни маъмурий тартибда расмийлаштириш ва ушбу йўналишда айбдор шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини кўришда муайян муаммолар мавжуд, деган хулосага келган.

Диссертант миллий қонунчиликни ўрганиш натижасида маъмурий ишларни ички ишлар органларига тааллуқлилиги бўйича, патруль-пост хизмати, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ва вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспектор-психологлар томонидан аниқланган пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг маъмурий тартибда расмийлаштириш ва айбдор шахсларга нисбатан ҳуқуқий чоралар кўришда муайян муаммоларнинг келиб чиқаётганини таъкидлайди.

Пиротехника буюмлари (ҳарбий мақсаддаги маҳсулотлардан ташқари) муомаласи соҳасида лицензиялаш ва руҳсат берувчи ҳужжатларни бериш ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига юклатилганлигини инобатга олиб, ИИВ Эксперт-криминалистика бош маркази ҳузуридаги Пиротехника буюмлари ва портловчи моддаларни сертификатлаш муассасаси қошида “Пиротехника буюмларини қўллаш хавфсизлиги” йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш маркази (ўқув курси ёки илмий-техник

муассаса)ни ташкил этиш лозимлигини, бу эса лицензия олиш ва пиротехника буюмлари муомаласи билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган махсус кўникмалар, билимлар ва малакаларни ривожлантириш учун зарурлигини таъкидланган.

Муаллиф томонидан тадқиқотда “давлат органларининг ташкилий-функционал тизими,” “давлат бошқарувининг ташкилий-функционал тизими,” “бошқарув органи тузилмаси”, “давлат бошқаруви функциялари мазмуни” тушунчаларининг назарий жиҳатлари, ушбу тушунчалар ўртасидаги фарқлар ёритилган, функцияларнинг турлари (гуруҳлари) таснифланган, огоҳлантириш фаолияти субъектларининг асосий роли ва уларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва қонунчиликка риоя этишдаги аҳамияти акс эттирилган. Муаллиф томонидан, барча функциялар маълум даражада бошқарувнинг ягона субъекти сифатида давлатга, ҳокимият тармоқлари тизимларига ва алоҳида давлат органларига хос бўлиб, улар, ўз навбатида, профилактика фаолияти субъектлари тузилмасининг бир қисми ҳисобланади ва профилактика субъектлари “ихтисослаштирилган” (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши, ички ишлар ва прокуратура органлари, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, судлар, Давлат хавфсизлик хизмати, божхона органлари, солиқ хизмати) ва “ихтисослашмаган” (вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, “Ўзстандарт” агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентликлари ва бошқа оммавий ахборот воситалари)га бўлинишини асослантирган.

Диссертант ўтказилган таҳлиллар асосида, “пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласининг олдини олишни амалга оширувчи давлат органларининг ташкилий-функционал тизими” тушунчасига муаллифлик таърифини берган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Хорижий тажриба асосида пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласининг олдини олиш бўйича ички ишлар органлари ва Миллий гвардия фаолиятини такомиллаштириш”** деб номланиб, диссертант томонидан хорижий илмий адабиётлар, материаллар, халқаро ҳужжатлар ва пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласининг олдини олиш йўналишида баъзи давлатларнинг тажрибасини ўрганишга бағишланган. Мазкур ўрганишлар асосида муаллиф Ўзбекистон шароитида пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласининг олдини олиш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиққан.

